

**«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»
«UZAUTO MOTORS POWERTRAIN»
акциядорлик жамияти
2020 йил “14” августдаги
Жамиятнинг Ягона акциядорининг
32-2020/8-сонли қарори билан**

«UZAUTO MOTORS POWERTRAIN»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

УСТАВИ

(янги тахрирда)

МУҚАДДИМА

«UzAuto Motors Powertrain» акциядорлик жамияти («Жамият») «Ўзавтосаноат» АК (Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилигига мувофиқ тегишли равишда тузилган ва фаолият юритаётган юридик шахс) ва «General Motors Corporation» корпорацияси, (кейинчалик акциялари General Motors Holdings LLC Америка Қўшма Штатлари Дэлавер штатининг қонунларига мувофиқ тегишли равишда тузилган ва фаолият юритаётган юридик шахсга ўтказилган) ўрталарида 2008 йил 28 октябрда имзоланган Қўшма қорхонани тузиш тўғрисидаги Битим, «General Motors Powertrain – Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамиятининг Таъсис йиғилишининг 2008 йил 18 декабрдаги 1-сонли баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 декабрдаги ПҚ-1020 сонли Қарорига мувофиқ тузилган. «UzAuto Motors Powertrain» акциядорлик жамияти Акциядорининг 2019 йил 29 октябр кундаги қарорига мувофиқ «General Motors Powertrain-O'zbekiston» акциядорлик жамияти номи «UzAuto Motors Powertrain» акциядорлик жамияти номига ўзгартирилди.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 21 январда №978 рақам билан «General Motors Powertrain-O'zbekiston» Ёпиқ Акциядорлик Жамияти сифатида давлат рўйхатига олинган бўлиб, «General Motors Powertrain-O'zbekiston» акциядорлик жамияти томонидан тузилган барча шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий вори ҳисобланади.

Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонун таҳриридаги Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширади.

2020 йил 10 июл ҳолатига «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти Жамиятдаги 100% акцияларни «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖга ўтказганлиги муносабати билан «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖ Жамиятнинг ягона акциядоридир.

1-МОДДА

ТАЪРИФЛАР

- 1.1. Мазкур Уставнинг матнида куйидаги атамалар ва иборалар куйидаги маънога эга бўлади:
- «**Аффилланган шахс**» Қонунчиликда ва АУИ томонидан тасдиқлана оладиган Аффилланган шахслар тўғрисидаги Низомда белгиланган тушунчани билдиради;
 - «**Йиллик дивиденд**» 8.2-бандда белгиланган тушунчани билдиради;
 - «**Филиал**» юридик шахснинг манзилдан ташқарида жойлашган ҳамда унинг функцияларининг барчасини ёки бир қисмини, жумладан ваколатхонанинг функцияларини амалга оширадиган алоҳида таркибий бўлинмасини билдиради;
 - «**Марказий банк**» Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкини билдиради;
 - «**Устав**» мазкур Жамият Уставини билдиради;
 - «**Устав фонди**» 5.4-бандда белгиланган тушунчани билдиради;
 - «**Жамият**» юқорида Муқаддимада белгиланганидек, «Uzauto Motors Powertrain» акциядорлик жамиятини билдиради;
 - «**Бош директор**» Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқарувчи яккабошлик асосида ижро этувчи органи, бош директорни англатади;
 - «**Давлат органи**» Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёки унинг маҳаллий, вилоят ёки республика миқёсидаги ижро этувчи, қонунчилик, суд, солиққа тортувчи, тартибга солувчи, маъмурий ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган бирор-бир давлат тузилмасини, ҳамда идораси, бюроси, комиссияси, департамент ёки шунга ўхшаш органни билдиради;
 - «**Интеллектуал мулк**» куйидагиларни билдиради: (а) барча ихтиролар (патентланмайдиган ёки патентланмайдиган, амалда ишлатилмайдиган ёки ишлатилмайдиган), уларга барча такомиллаштиришлар, шунингдек барча патентлар, патент буюртмалари ва патентга ихтиронинг таърифлари, уларнинг барча кейинги нашрлари, узайтиришлари, қисман узайтиришлари ва қайта кўришлари, кенгайтиришлар ва қайта экспертизалари билан; (б) барча савдо белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, домен номлари, маҳсулотнинг расмийлаштирилиши, логотиплар, савдо номлари ва корпоратив номлар, уларнинг барча таржималари, мослашувлари, ясалган сўзлари ва сўз бирикмалари билан, шу жумладан улар

билан боғлиқ бўлган гудвилл, шунингдек улар билан боғлиқ барча аризалар, рўйхатга олишлар ва тиклашлар, (с) барча муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган ишлар, барча муаллифлик ҳуқуқлари ва улар билан боғлиқ барча аризалар, рўйхатга олишлар ва тиклашлар, (d) барча савдо сирлари, техник ахборот ва махфий иш ахбороти (жумладан илмий тадқиқотлар, ноу-хау, формулалар, таркиблар, ишлаб чиқариш ва тайёрлаш жараёнлари ва технологиялари, техник маълумотлар, дизайнлар, чизмалар, спецификациялар, мижозлар ва етказиб берувчиларнинг рўйхатлари, нарх ҳосил бўлиши ва таннарх маълумотлари, шунингдек маркетинг усуллари ва бизнес юритиш усуллари, режалар ва таклифлар), (e) барча дастурий таъминот (жумладан моделлар, алгоритмлар, маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар), (f) барча нарх ҳосил қилиш моделлари ва улар билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар; ва (g) юқорида санаб ўтилганлардан исталганларнинг барча нусхалари ва моддий ташувчилари (ҳар қайси шаклда ёки ифодаланишда);

«**Ички Аудит хизмати**» 18.1-бандда белгиланган тушунчани билдиради;

«**АЖ тўғрисидаги Қонун**» 2014 йил 6 май таҳриридаги ва кейинчалик ўзгартиришлар киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунини билдиради;

«**Қонунчилик**» Ўзбекистон Республикасининг тегишли конституцияси, қонунлари, иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномалар, Олий Мажлис палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарорларини билдиради;

«**АУЙ**» ёки «**Акциядорларнинг Умумий йиғилиши**» акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамиятни бошқаришнинг олий органини билдиради;

«**Резерв жамғармаси**» 9.2-бандда белгиланган тушунчани билдиради;

«**Тафтиш комиссияси**» 16.1-бандда белгиланган тушунчани билдиради;

«**Акциялар**» Жамият томонидан ҳужжатсиз шаклда чиқарилган, ҳар бирининг номинал қиймати 1,00 (бир) сўм бўлган оддий эгаси ёзилган акцияларни билдиради;

«**Акциядор**» «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖни билдиради;

«**Шуъба хўжалик жамияти**» қабул қилаётган қарорлари Жамият устав фондидаги устивор иштирок этиши туфайли ёки улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ёки ўзга тарзда Жамиятни белгилаш имкониятига эга акциядорлик жамиятини ёки масъулияти чекланган жамиятни билдиради;

«**Кузатув Кенгаши**» Жамиятнинг бошқарув устидан кузатиш олиб борувчи маъсул бошқарув органи, кузатув кенгашни билдиради;

«**АҚШ долларлари**» Америка Қўшма Штатларининг миллий валютасини билдиради;

«**ЎЗНСБУ**» Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерлик ҳисоби миллий стандартларини билдиради;

«**ХМҲС**» Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари.

«**UZS**» ёки «**сўм**» ўзбек сўмини, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини билдиради.

1.2. Талқинлар

Мазкур Устава, агар контекстга кўра бошқача талаб этилмаган бўлса:

- a) мазкур Уставнинг контексти билан бошқача белгиланмаган бўлса, бирлик маъносидаги сўзлар кўпликни ҳам англатади, ва аксинча, эркак жинсидаги сўзлар эса аёл ва ўрта жинсидаги сўзларни ҳам ўз ичига олади, ва аксинча;
- b) «**кун**» ёки «**кунлар**» га ҳаволалар Тошкент шаҳри вақти билан тақвим кунларини билдиради;
- c) Бўлимлар, Моддалар, Бандлар ва Муқаддимага ҳаволалар мазкур Уставнинг бўлимлари, моддалари, бандлари ва муқаддимага тегишли бўлади, агар матнда бошқача кўрсатилмаган бўлса;
- d) «**шу жумладан**» ёки «**ўз ичига олади**» деган ҳаволалар шу жумладан кирганларни ёки ўз ичига олинганларни чеклашсиз билдиради.

2-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ ВА ЮРИДИК МАҚОМИ

- 2.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:
Ўзбек тилида «UzAuto Motors Powertrain»
(лотин алифбоси): Aksiyadorlik jamiyati;
Инглиз тилида: «UzAuto Motors Powertrain» Joint-stock company;
Рус тилида: Акционерное общество
«УзАвто Моторс Пауэртрейн».
Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:
Ўзбек тилида «UzAuto Motors Powertrain» AJ;
(лотин алифбоси): «UzAuto Motors Powertrain» JSC;
Инглиз тилида: «UzAuto Motors Powertrain» JSC;
Рус тилида: АО «УзАвто Моторс Пауэртрейн».
- 2.2. Жамиятнинг жойлашган ери почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, 111800, Хонабод КФЙ, Қумариқ маҳалласи, Истиклол кўчаси 1-уй.
- 2.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@umpt.uz
- 2.4. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.umpt.uz
- 2.5. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан унга Устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 2.6. Жамият мустақил балансига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига, шунингдек чет элда банк ҳисобварақларига эга.
- 2.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга, штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.
- 2.8. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларни қаноатлантириш учун ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар. Жамият ўз Акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Ҳеч қайси акциядор бошқа акциядор мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 2.9. Ўзбекистон ва унинг Давлат органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам Ўзбекистон ва унинг Давлат органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 2.10. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.
- 2.11. Мазкур Уставнинг қоидалари Жамиятнинг фаолият муддати давомида ёки АУЙ томонидан янги Устав қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказилмагунча ўз кучида қолади. Уставда назарда тутилмаган ҳоллар юзага келганда Жамият ўз фаолиятини АУЙ қарорига мувофиқ тартибда амалга оширади.
- 2.12. Жамият ўз хўжалик фаолиятини Қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.
- 2.13. Жамият Қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тегишли чет эл давлатининг қонунчилигига мувофиқ филиаллар ва ваколатхоналарни, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларни очишга ҳақлидир.
- 2.14. Жамият Филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахслар бўлмайди ва ўз фаолиятини Жамият томонидан тасдиқланган Низомлар асосида амалга оширади. Жамият ўз Филиалларини ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлаши мумкин.
- 2.15. Жамият Филиаллари ва ваколатхоналари ўзининг балансига эга бўлади, улар Жамият балансининг таркибий қисми ҳисобланади.
- 2.16. Филиаллар ва ваколатхоналарнинг раҳбарлари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.
- 2.17. Шуъба ва тобе хўжалик жамиятлар юридик шахслар бўлади ва Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Жамият Қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ўз шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

- 2.18. Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг тузилиши ёки тугатилиши тўғрисидаги қарор АУЙ томонидан қабул қилинади.

3-МОДДА

ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ТАРКИБИ

- 3.1. Жамиятнинг ягона Акциядори «UzAuto Passenger Vehicles Management» масъулияти чекланган жамияти, юридик манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур Шох кўчаси, 13-уй, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, давлат хизматлари маркази томонидан давлат рўйхатдан ўтказилган.

Жамият ўз фаолияти давомида «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти ва «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖ томонидан қабул қилинган буйруқ, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини амалган оширади.

4-МОДДА

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, МАЗМУНИ ВА МУДДАТИ

- 4.1. Жамият фаолиятининг мақсади куч агрегатларини ишлаб чиқариш, йиғиш ва сотишни амалга ошириш орқали фойда олишдир.
- 4.2. Жамият фаолиятининг мазмуни куйидагилар ҳисобланади:
- куч агрегатларини ишлаб чиқариш, йиғиш, сотиш;
 - куч агрегатлари деталларини ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, сотиш;
 - экспорт ва импорт операцияларини, шунингдек воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
 - ташқи иқтисодий фаолиятни белгиланган тартибда амалга ошириш;
 - маркетинг;
 - инжиниринг хизматларини кўрсатиш;
 - учинчи шахсларга, шу жумладан Давлат органларига қарз бериш ва улардан қарз олиш.
- 4.3. Жамият Қонунчилик билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга оширишга ҳақлидир.
- 4.4. Махсус рухсатномани (лицензияни) талаб этувчи фаолият турлари Давлат органлари томонидан берилган тегишли рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилиши мумкин.
- 4.5. Кундалик хўжалик фаолиятига - двигателлар (куч агрегатларини) ёки унинг компонентларини (қисмларини) ишлаб чиқариш, йиғиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият ёки битимлар (шартномалар), шу жумладан кундалик хўжалик фаолиятини амалга ошириш давомида Жамият соф активларининг 15% миқдоригача суммада қарз (кредит) пуллари жалб қилиш кабилар ҳам кириб, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

5-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

- 5.1. Жамиятнинг Устав фонди Акциядорлар томонидан сотиб олинган Жамият Акцияларининг номинал қийматидан иборат. Жамият томонидан чиқарадиган барча Акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши ва сўмда ифодаланиши керак.
- 5.2. Жамиятнинг Устав фонди Жамиятнинг мол-мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.
- 5.3. Жамият Акциядорининг мазкур Уставда ва амалдаги Қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқлари Акцияга ҳуқуқлар Қонунчиликда белгиланган тартибда ўтган пайтдан эътиборан Акциялар сотиб олувчисига ўтади.
- 5.4. Жамиятнинг мол-мулки Акцияларни тўлаш ҳисобига (Устав фондига) киритилган пул маблағлари, мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқлардан, Жамият томонидан тадбиркорлик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан, олинган даромадларидан, шунингдек Қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулкдан таркиб топади.
- 5.5. Жамиятнинг Устав фондининг миқдори 139 837 000 000 (бир юз ўттиз тўққиз миллиард саккиз юз ўттиз етти миллион) сўмни ташкил этади, бу эса Жамият давлат рўйхатидан ўтилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг айирбошлаш курси бўйича

- 100 000 000 (бир юз миллион) АҚШ долларига эквивалентдир, ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 139 837 000 000 (бир юз ўттиз тўққиз миллиард саккиз юз ўттиз етти миллион) дона эгасининг номи оддий ёзилган Акцияларга бўлинган.
- 5.6. Устав фондидаги Акциялар Акциядорлар ўртасида қуйидагича тақсимланган:
- (i) «UzAuto Passenger Vehicles Management» МЧЖнинг улуши – Жамият Устав фондининг 100 фоизини, яъни 139 837 000 000 (бир юз ўттиз тўққиз миллиард саккиз юз ўттиз етти миллион) сўмни ташкил этади, бу эса Жамият давлат рўйхатидан ўтилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг айирбошлаш курси бўйича 100 000 000 (юз миллион) АҚШ долларига эквивалентдир, ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) Сўм бўлган 139 837 000 000 (бир юз ўттиз тўққиз миллиард саккиз юз ўттиз етти миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий Акцияларга бўлинган.
- 5.7. Жамият томонидан чиқарилган Акциялар тўлови ҳисобига келиб тушган пул маблағлари Жамиятнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.
- 5.8. Жамият акцияларига тўлов пул баҳосига эга бўлган мол-мулк билан амалга оширилиши мумкин.
- 5.9. Акциялар юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворислиги тартибида ўтказилиши мумкин.

6-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИНГ КЎПАЙТИРИЛИШИ ВА КАМАЙТИРИЛИШИ

- 6.1 Устав фонди кўшимча Акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 6.2 Жамиятнинг барча Акциялар сони Жамиятнинг Уставида белгиланган эълон қилинган Акцияларнинг сони доирасидан ошиши мумкин эмас.
- 6.3 АУЙ Жамият Устав фондини кўпайтириш тўғрисида кўшимча Акцияларни жойлаштириш ва Уставга кўпайтирилган Устав фонди миқдори тўғрисида ўзгаришлар киритиш йўли билан қарор қабул қилиши мумкин.
- 6.4 Кўшимча Акцияларни чиқариш йўли билан Жамият Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор билан жойлаштирилган кўшимча оддий акциялар ва имтиёзли акциялар сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.
- 6.5 Жамиятнинг Устав фонди Акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шунингдек Акцияларнинг бир қисмини Жамият томонидан ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.
- 6.6 Устав фондини камайтириш ва Жамиятнинг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор АУЙ томонидан қабул қилинади. Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорда Устав фондини камайтириш сабаблари кўрсатилиши керак.

7-МОДДА

ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ

- 7.1. Қонунчиликка мувофиқ Жамият акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда ва мазкур Уставда белгиланган тартиб, шартлар ва муддатларда эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб ҳисобланган оддий ва имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.
- 7.2. Жамиятнинг барча жойлаштирилган Акциялари оддий, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклда чиқарилган деб ҳисобланади.
- 7.3. Жамият томонидан жойлаштирилган Акцияларнинг умумий сони ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 139 837 000 000 (бир юз ўттиз тўққиз миллиард саккиз юз ўттиз етти миллион) дона ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган, оддий Акцияларни ташкил этади.
- 7.4. Жамият Акцияларни Жамият Акциядорлари ўртасида ёпиқ обуна йўли билан жойлаштиради, ёпиқ обунани ўтказиш имконияти Қонунчилик билан чегараланган ҳолатлар бундан мустасно.
- 7.5. Жамият Акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларни Қонунчиликда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда чиқариш ҳуқуқига эга.
- 7.6. Акцияларга ҳақ тўлаш қуйидаги шаклда амалга оширилиши мумкин:
- Пул маблағлари билан;
 - Мулкнинг ҳар хил турлари билан;
 - Ҳуқуқлар, шу жумладан пул баҳосига эга бўлган мулк ҳуқуқлар, Интеллектуал Мулк объектлари билан.

7.7. Жамият устав фондини кўпайтириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 209 755 500 000 (икки юз тўққиз миллиард етти юз эллик беш миллион беш юз минг) дона ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган, оддий акциялардан иборат.

8-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ СОФ ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ

- 8.1 Жамият томонидан тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган ҳар қандай фойда Қонунчиликка мувофиқ барча солиқлар тўланганидан кейин Жамият тасарруфида қолади ва (i) Қонунчиликка, ХМҲС ва ЎзНСБУга мувофиқ Жамиятнинг фондларини тузиш ҳамда (ii) Қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ дивидендлар тўлаш учун ишлатилади.
- 8.2 Йилига бир марта Жамият молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган оддий акциялар бўйича дивидендларни (“йиллик” ёки “ҳар йилги дивидендлар”) тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилишга ҳақли. Акция бўйича йиллик дивидендларни тўлаш (шу жумладан, дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш шакли ва тартиби) тўғрисида қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига, аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисобот маълумотларига асосан АУЙ томонидан қабул қилинади.
- 8.3 Дивидендларнинг миқдори Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдоридан юқори бўлиши мумкин эмас.
Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлашнинг бошланиши ва тугаши саналари кўрсатилиши лозим.
Жамиятнинг Акциядорларига ҳар йилги дивидендларни тўлаш АУЙ қарори қабул қилинган санадан бошлаб кечи билан 60 (олтмиш) кундан кечиктирмасдан амалга оширилади.
Дивидендлар фақат жойлаштирилган Акциялар бўйича ҳисобланади.
Жамият кузатув кенгаши қарори билан дивидендларни тақсимлаш ва келгусида тўлаш учун мўлжалланган махсус фонд тузилиши мумкин.
- 8.4 Акциядор ёки унинг қонуний вориси ёки меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд АУЙ қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.
- 8.5 Мазкур Уставнинг 8.3-банди қоидаларига амал қилиш шарти билан, акцияларнинг ҳар бир тури юзасидан ҳар йилги дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари АУЙ қарори билан белгиланади.
- 8.6 Дивидендлар Акциядорлар ўртасида уларга тегишли бўлган акциялар сони ва турларига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 8.7 Жамият олган фойда ҳисобидан шакллантирилган, ташкил этилган фондлардан ҳар қандай фойдаланиш Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширилади.
АУЙ қарорига кўра дивидендлар нақд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.
- 8.8 Жамият:
- Жамиятнинг Устав фондининг ҳаммаси тўлиқ тўлаб бўлингунча;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлиши мумкин бўлса;
- Жамият соф активларининг қиймати унинг устав ва захира фондлари суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

9-МОДДА

ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 9.1 Жамият соф фойда ҳисобидан қуйидаги фондларни ташкил этишга ҳақлидир:
- Захира фонди;
 - Жамиятнинг фаолияти учун зарур бўлган, АУЙ томонидан белгиладиган бошқа фондлар.
- 9.2 Захира фонди Жамиятнинг кўрган зарарини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигациялари ҳақини тўлаб бериш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ўзга

- маблағлар бўлмаган тақдирда Жамият акцияларини сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.
- 9.3 Захира фонди Устав фонди миқдорининг 15% (ўн беш фоиздан) кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.
- 9.4 Жамият, унинг Захира фонди Уставнинг 9.3-бандида белгиланган миқдорга етгунигача қадар, Захира фондига ҳар йили соф фойдадан 5% (беш фоизи) миқдордаги ажратмаларни амалга оширади.
- 9.5 Захира фондидан ташқари, Жамият соф фойдасидан ташкил қилинадиган фондлардан Кузатув Кенгаши қарори билан шакллантирилади ва фойдаланилади.

10-МОДДА

КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 10.1. Акциядорлар қуйидагиларга ҳақлидир:
- Жамиятнинг Акциядорлари Реестрига киритилиш;
 - депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзи ҳақида кўчирмани олиш;
 - Жамият АУЙ ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган дивидендларни олиш;
 - Жамият тугатилган тақдирда унга тегишли улушга мувофиқ бўлган Жамият мол-мулкнинг бир қисmini олиш;
 - Акциядорлар умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - Қонунчилик ва Уставга мувофиқ белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олиш;
 - олган дивидендларини тасарруф этиш;
 - Қонунчиликка мувофиқ Жамиятнинг бухгалтерлик китоблари ва ёзувларининг аудитини ўтказиш;
 - давлатнинг қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ваколатли органида, шунингдек судларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - уларга етказилган зарарларни ўрнатилган тартибда қоблаб беришни талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
 - эҳтимолдаги зарарлар билан боғлиқ хавфларни, шу жумладан қимматли қоғозларни сотиб олишда фойдани бой беришни суғурталаш.
 - Қонунчилик ва Уставда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.
- 10.2. Акциядорлар, тўланган Акцияларнинг эгалари сифатида уларнинг ваколатларига қирувчи барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан АУЙ да иштирок этадилар. АУЙ да овоз бериш кумулятив овоз бериш ҳолларидан ташқари «бир овоз берувчи акция» - «бир овоз» тамойили асосида амалга оширилади.
- 10.3. Акциядорлар қуйидагиларга мажбур:
- Акциялар учун тўловларни Уставда ва уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган тартибда, миқдорда ва усулларда амалга ошириш;
 - Қонунчилик ва Жамият Уставининг қоидаларига риоя қилиш;
 - Жамиятнинг фаолиятига оид махфий маълумотни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик.
- Акциядорлар бошқа мажбуриятларга ҳам эгадир.

11-МОДДА

ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ

- 11.1. Жамиятни бошқариш органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:
- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
 - Жамият Кузатув кенгаши;
 - Яккабошчилик асосида ижро этувчи орган – Жамият Бош директори.

12-МОДДА

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

- 12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.
- 12.2. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколати доирасига қуйидагилар қиради:
- (i) Жамиятни қайта ташкил этиш;

- (ii) Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- (iii) Предмети бўлиб умумий қиймати битимнинг тузилиши санасига баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати Жамиятнинг соф активлари қийматидан эллик фоиздан (50%) ортиқ бўлган мол-мулк ҳисобланган йирик битимларни тузиш, бунда Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти давомида тузиладиган битимлар бундан мустасно;
- (iv) Мазкур Уставнинг 16-моддасида назарда тутилган ҳолатларда аффилиланган шахслар билан битимларни амалга ошириш. Бунда АУЙ томонидан бундай битимлар бўйича қарорни қабул қилишда Аффилиланган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас;
- (v) Жамиятнинг Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш ёки Уставнинг янги таҳририни тасдиқлаш;
- (vi) Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси уларнинг ваколатларига кирувчи масалалар бўйича, шу жумладан Жамиятни бошқариш бўйича белгиланган Қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш масалалари бўйича ҳисоботларини тинглаш;
- (vii) Эълон қилинган акцияларнинг миқдорини белгилаш.
- (viii) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- (ix) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- (x) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- (xi) АУЙга тегишли қоидаларни тасдиқлаш;
- (xii) Жамиятнинг ижро этувчи органига тўланадиган мукофотлар ва/ёки товонларни, шунингдек уларнинг чегаравий миқдорини белгилаш;
- (xiii) АЖ тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган ҳолатларда Жамиятнинг ўз Акцияларини сотиб олиш;
- (xiv) Жамиятнинг Бош директорини сайлаш ва уни ишдан озод қилиш;
- (xv) Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва унинг аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисида низомни тасдиқлаш;
- (xvi) АУЙ, Кузатув Кенгаши ва Ижроия органи фаолияти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- (xvii) Кузатув Кенгашининг таркибий миқдорини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- (xviii) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш;
- (xix) Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш;
- (xx) Йиллик ҳисоботларни тасдиқлаш;
- (xxi) Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (xxii) Қимматли қоғозлар чиқарилиши (янги/қўшимча) тўғрисидаги қарорни ва рисола матнини тасдиқлаш ҳамда аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (xxiii) Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш; ва
- (xxiv) мазкур Устав ва Қонунчилик билан АУЙ ваколатлари жумласига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.3. Агар Жамият акциядорлари реестрига мувофиқ, Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса, амалдаги Қонунчиликка мувофиқ Жамиятда АУЙ ўтказилмайди. Ушбу устав ва Қонунчилик билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар Жамият акциядори (акциядорнинг вакили) томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда қонунчилик билан белгиланган акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик қўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно. Компания акциядори томонидан ёзма қарор қабул қилиш учун АУЙ чақирилиши талаб қилинмайди. Жамият яқка акциядорининг қарори ушбу акциядор (акциядор вакили) томонидан мустақил равишда, Жамият Кузатув кенгашининг ва (ёки) Бош Директорининг ёзма мурожаати асосида қабул қилиниши мумкин. Агар қабул қилиниши лозим бўлган қарор бўйича Қонунчиликка ва ушбу уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси ёки Кузатув кенгаш томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим бўлса, бундай қарорлар

- Жамият акциядори (акциядор вакили) томонидан шундай тавсиялар олинганидан сўнг ёки дастлабки тарзда маъқулланганидан сўнг қабул қилинади.
- 12.4. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши молиявий тугаганидан сўнг кечи билан 6 (олти) ой ичида ўтказилади, бунда жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамият Бош директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.
- 12.5. Акциядорларнинг Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар кўриб чиқиш учун Кузатув кенгашига берилиши мумкин эмас, АЖ тўғрисидаги Қонунда белгиланган масалалар бундан мустасно.
- 12.6. Агар акциядорларнинг реестрига мувофиқ жамият акциядорлари биттадан ортиқ бўлса, жамият акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.
Йиллик АУЙни Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.
Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай йиллик АУЙ кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.
Акциядорлар (акциядор) жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига йиллик АУЙ ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.
- 12.7. Жамият фаолиятини текшириш учун ўз вакилларини юбориш, жумладан “Ўзавтосаноат” АЖ ходимларини ёки жалб қилинган ходимларни юбориш, шунингдек Жамият фаолиятига оид ҳужжатларни тақдим қилиш тўғрисида топшириқлар бериш.
- 12.8. АУЙ ўз фаолиятини Қонунчиликка, Жамиятнинг Уставига ва АУЙ тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

13-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

- 13.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, АЖ тўғрисидаги Қонун ва Жамиятнинг Устави билан АУЙнинг мутлақ ваколатига кирган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.
- 13.2. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши 5 (беш) аъздан иборат.
- 13.3. Кузатув кенгашининг барча аъзолари АУЙ томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади. Кузатув кенгашининг аъзолари кумулятив овоз бериш йўли билан сайланади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир Акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва Акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овозлар сонига эга бўлган номзод Кузатув кенгашига сайланган деб эътироф этилади.
- 13.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган марта қайта сайланиши мумкин. Яқкабошчилик асосида Ижро этувчи орган (Бош директор), Тафтиш комиссияси, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас. Кузатув кенгашининг аъзолари (i) Жамиятнинг фаолиятига дахлдор бўлган ҳар қайси ҳужжатлар билан танишиш, (ii) ўз вазифаларини бажариш учун Бош директордан шундай ҳужжатларни олиш, ва (iii) Бош директорнинг ва ички аудиторларнинг йил чораклик ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқига эга бўлади.
- 13.5. Мазкур Уставнинг 13.6 ва 13.7-бандларида кўрсатилган масалалар ҳал этиш Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатларига қиради.

- 13.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги масалалар бўйича қарорлар мажлисда иштирок этувчи Кузатув кенгаши аъзоларининг камида 80% (саксон фоиз) овози билан қабул қилинади:
- 13.6.1. Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
 - 13.6.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, АЖ тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;
 - 13.6.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал этилишига мазкур Уставнинг 12.2 (v) бандида назарда тутилган масалаларни киритиш;
 - 13.6.4. мол-мулкнинг бозор нархи белгиланишини ташкил этиш;
 - 13.6.5. Жамиятнинг Бош директорининг 1-ўринбосарини тайинлаш ва унинг ваколатларини белгиловчи ички меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш;
 - 13.6.6. Жамиятнинг йиллик Бизнес-режасини, асосий самарадорлик кўрсаткичларини (КПЭ) маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йил учун Бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида кечи билан жорий йилнинг 1 декабригача маъқулланиши керак;
 - 13.6.7. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини тинглаш;
 - 13.6.8. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (Тафтишчисига) тўланадиган мукофот ва товонлар миқдори бўйича тавсиялар бериш;
 - 13.6.9. Жамият томонидан тўланадиган дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;
 - 13.6.10. Жамиятнинг захира ва бошқа фондларини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш;
 - 13.6.11. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - 13.6.12. Жамиятнинг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
 - 13.6.13. Қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларда иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш;
 - 13.6.14. Акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш (қимматли қоғозларнинг биржали ва ташкил этилган биржадан ташқари бозорига чиқариш);
 - 13.6.15. Жамият томонидан жойлаштирилган корпоратив (инфраструктур) облигацияларни чиқариш, қайта сотиб олиш ва конвертация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 13.6.16. Жамият томонидан қимматли қоғоз ҳосилаларини чиқариш ва конвертация тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 13.6.17. АУЙнинг кун тартибини тайёрлаш;
 - 13.6.18. АУЙни ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш;
 - 13.6.19. Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - 13.6.20. Бош директор ва Жамият фаолиятига тааллуқли ҳар қайси ҳужжатдан фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгашига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун Бош директордан олиш. Олинган ҳужжатлар Жамият Кузатув кенгаши, унинг аъзолари ва “Ўзавтосаноат” АЖ ходимлари томонидан фақат хизмат мақсадларида ишлатилиши мумкин;
 - 13.6.21. Қонунчилик ва Устав билан Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.
- 13.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги масалалар бўйича қарорлар мажлисда иштирок этувчи барча аъзоларнинг бир овозидан қабул қилинади:
- 13.7.1. Мазкур Уставнинг 16-моддасида назарда тутилган ҳолатларда, Аффилиланган шахслар билан битимларни маъқуллаш. Бунда, Жамиятнинг Аффилиланган шахси муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан бундай битим бўйича қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас;
 - 13.7.2. Бундай битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш санасига баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати Жамият соф активларининг ўн беш (15%) фоизидан эллик (50%) фоизигача бўлган мол-мулк предмети ҳисобланган йирик битимларни амалга ошириш, кундалик хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган битимлар бундан мустасно;
 - 13.7.3. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни, шу жумладан Акцияларга айирбошланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш. Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг Бош директорига ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

- 13.8. Жамият Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонидан кўпчилик овози билан сайлайди. Кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар Умумий йиғилишида раислик қилади.
- 13.9. Жамият Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар уч ойда ўтказилади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларининг камида 80 фоизини ташкил этиши керак. Раис Кузатув кенгашининг мажлисларини ўз ташаббусига кўра ёки Кузатув кенгашининг ҳар қайси бошқа аъзоси, Тафтиш комиссияси ёки Бош директорнинг талабига кўра ўтказади. Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгашининг аъзоларига бундай мажлисдан камида 3 (уч) кун аввал мажлиснинг чақирилиши тўғрисидаги мажлиснинг санаси, вақти, жойи ва кун тартиби кўрсатилган хабарномалар юборилишини ташкил этади.
- 13.10. Кузатув кенгашининг аъзолари сони 75% (етмиш беш) фоиздан кам бўлиб қолган ҳолатда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун навбатдан ташқари АУЙ чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат шундай навбатдан ташқари АУЙ чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, Бош директорнинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилганда, унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир. Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорлар томонидан келишиб олинган жойда ўтказиладиган Кузатув кенгашининг мажлисларида шахсан иштирок этишлари лозим. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Бир аъзонинг овозини бошқа аъзога берилишига йўл қўйилмайди. Кузатув Кенгашининг мажлисларида баённома юритилади. Жамият Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилишидан кейин кечи билан 10 (ўн) кун ичида расмийлаштирилиши лозим. Мажлис баённомаси қуйидагиларни ўз ичига олади:
- мажлиснинг вақти ва жойи;
 - мажлисда иштирок этувчи шахслар;
 - мажлиснинг кун тартиби;
 - овоз беришга қўйилган масалалар;
 - овоз бериш натижалари;
 - мажлисда қабул қилинган қарорлар.
- Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси баённомаси мажлисда иштирок этувчи Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан имзоланади, улар баённома тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.
- 13.11. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан сиртдан (сўров йўли билан) овоз бериш орқали қабул қилиниши мумкин.
- 13.12. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида Жамият манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар учун амалдаги Қонунчиликка мувофиқ Жамият олдида жавобгар буладилар.

14-МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

- 14.1. Бош директор Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги Ижро этувчи органи ҳисобланади. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишнинг барча масалалари, шу жумладан барча Жамият Директорларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш масалалари қиради, АУЙ нинг мутлақ ваколатларига ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бунда истисно. Бош директор АУЙ ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади.
- 14.2. Бош директор акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тайинланади.
- 14.3. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан Бош директорнинг номзоди тасдиқланганидан кейин, Кузатув кенгашининг Раиси Жамият номидан у билан бир йил муддатга меҳнат шартномасини (контрактни) тузади, ҳар йили меҳнат шартномасини узайтириш (қайта тузиш) ёки тўхтатиш (бекор қилиш) имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади.

- 14.4. Бош директор билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан мажбуриятлари ҳамда унинг АУЙ ва Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини ва асосий самарадорлик кўрсаткичларининг (КПЭ) бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши лозим.
- 14.5. Жамиятнинг Бош директори ва унинг 1-уринбосари вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.
- 14.6. Бош директор томонидан меҳнат шартномаси шартлари бузилган тақдирда АУЙ қарорига асосан Бош директор билан тузилган шартномаси муддатидан олдин бекор қилиши мумкин. Бош директор томонидан Жамиятнинг Уставида белгиланган коидаларни қўпол равишда бузилганлиги ёки Жамият манфаатларига унинг бирор-бир ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан зарар етказилганлиги аниқланган тақдирда, АУЙ Бош директор билан тузилган шартномасини дарҳол бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.
- 14.7. АУЙ томонидан Бош директорнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Бош директорнинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.
- 14.8. Агар Кузатув кенгаши Бош директор ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида қарор қабул қилса, Жамиятнинг Кузатув кенгаши Бош директор вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек ижро этувчи органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун навбатдан ташқари АУЙ чакиради.
- 14.9. Бош директор қуйидагиларга ҳақлидир:
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини учинчи шахслар билан муносабатларда ифода этиш;
 - баланс қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санага Жамият соф активлари қийматининг 15% (ўн беш фоизи) гача бўлган мол-мулкка нисбатан тузилган битим ёки бир нечта ўзаро боғлиқ битимлар бўйича Жамиятнинг мол-мулки (активлари) ва пул маблағларини тасарруф этиш;
 - Жамиятнинг номидан ўз ваколати доирасида ва Қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда келишув ва шартномаларни тузиш;
 - Жамият номидан ишончномаларни бериш;
 - операцион ва бошқа банк ҳисоб рақамларини очиш;
 - Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, йўриқномалар ва фармойишларни чиқариш;
 - штатларни тасдиқлаш ва унга узгартиришлар киритиш;
 - ваколатхоналар ва филиаллар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
 - Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналарининг бошқарув ходимлари учун товонларнинг миқдорини аниқлаш;
 - рағбатлантиришлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, ойлик иш ҳақи ва унга устамаларнинг миқдорини, шунингдек ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш бўйича турли хил қўшимча ва товон тўловларни белгилаш.
- 14.10. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

15- МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

- 15.1. Жамиятнинг молиявий ва хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун АУЙ учта (3) аъзо таркибида бир (1) йил муддатга Тафтиш комиссиясини сайлайди. Тафтиш комиссиясининг аъзолари кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.
- 15.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлашлари мумкин эмас. Жамият Тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби ва комиссия аъзоларига доир малака талаблари АУЙ томонидан тасдиқланадиган Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом билан белгилаб қўйилади.
- 15.3. Жамият молиявий ва хўжалик фаолиятининг тафтишни камида бир йилда бир марта ўтказиши.

- 15.4. Жамиятнинг молия ва хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, Акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарорига ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг жами бўлиб камида 5% (беш фоизига) эгалик қилувчи Акциядорнинг (Акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади. Тафтиш комиссияси тафтиш натижалари бўйича тафтишни тайинлаган идорага бевосита ҳисобот беради. Тафтиш комиссияси йиллик ҳисоботлар ва баланслар юзасидан хулоса тузади.
- 15.5. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида баённома юритади.
- 15.6. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг манфаатлари учун хавф туғилганда ёки Жамиятнинг мансабдор шахслари йўл қўйган суистеъмолликлар аниқланганда АУЙ чақирилишини сўраши мумкин.
- 15.7. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишнинг якунлари бўйича, Тафтиш комиссияси хулосани тайёрлайди, унда қуйидагилар бўлиши лозим:
- Жамиятнинг ҳисоботларида ёки бошқа молиявий ҳужжатларида бўлган маълумотлар ҳаққонийлигига баҳо бериш;
 - Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш давомида бухгалтерлик ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботини тақдим этиш тартибини, шунингдек Қонунчиликни бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар.
- Мазкур Уставнинг 15.7-бандида кўрсатилган ахборотдан иборат хулоса Жамиятнинг йиллик АУЙда эшитилади.
- 15.8. Тафтиш комиссияси ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгаши мажлисига Аффилиланган шахслар билан битимлар ёки Жамиятда йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни тузишга нисбатан Қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш тўғрисида уз хулосасини киритади.
- 15.9. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ваколатларига қуйидагилар киради:
- Жамиятнинг молиявий ҳужжатларини текшириш, мол-мулкни инвентаризация қилиш бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосасини тайёрлаш, ушбу ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳужжатларидаги маълумотлар билан таққослаш;
 - Жамият номидан тузилаётган шартномалар, амалга оширилаётган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китоблар қонунийлигини текшириш;
 - Жамиятнинг бухгалтерия ва статистик ҳисоб юритилиши амалдаги меъёрий Қонунчилик билан мос келишини таҳлил қилиш;
 - молиявий-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган нормативларга, қоидаларга ва ҳ.к. риоя қилинишини текшириш;
 - Жамиятнинг молиявий аҳволини, унинг тўловга қодирлигини, активлар ликвидлигини, ўз ва қарзга олинган маблағлар нисбатини таҳлил қилиш, корхонанинг иқтисодий аҳволини яхшилаш захираларини аниқлаш ва Жамиятни бошқариш органлари учун тавсияларни ишлаб чиқиш;
 - маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар томонидан бюджетга тўловларни ўз вақтида ва тўғри киритилиши, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши, бошқа мажбуриятлар узилишини текшириш;
 - солиқ инспекция, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун Жамият баланслари, ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилишини текшириш;
 - Жамият Бош директори томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрилиги, уларнинг Жамият Уставига, Бош директор тўғрисидаги низомга ва акциядорларнинг Умумий йиғилиш қарорларига мувофиқлигини текшириш;
 - акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлар билан фарқ қилганда уларни ўзгартириш бўйича таклифларни киритиш.

16-МОДДА

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР

- 16.1. Аффилиланган шахс билан битимни маъқуллаш тўғрисида қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.
- 16.2. Агар Жамият Кузатув кенгашининг иккита ва ундан кўпроқ аъзолари Аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор АЖ тўғрисидаги Қонунда ва мазкур Уставда белгиланган тартиб

ва муддатларда Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бу ҳолда, Аффилиланган шахс билан битимни маъқуллаш тўғрисида қарор акциядорлар Умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорларнинг квалификацияланган кўпчилик овози билан қабул қилинади.

- 16.3. Жамиятнинг Аффилиланган шахси муҳокама қилишда иштирақ этишга ҳақили эмас ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан ушбу битим бўйича қарор қабул қилишда овоз беришга ҳақли эмас.
- 16.4. Агар Аффилиланган шахс билан битим бир вақтнинг ўзида йирик битим бўлиб ҳисобланса, унда уни амалга ошириш тартибига АЖ тўғрисидаги Қонунда ва мазкур Уставнинг 12.2. (iii)-бандида белгиланган йирик битимни тузиш қоидалари қўлланилади.

17-МОДДА

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

- 17.1. Агар Жамият активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг барабар миқдоридан ошиб кетса, Жамиятда ички аудит хизмати тузилади. Ички аудит хизмати Жамият Кузатув кенгашига ҳисоб беради.
- 17.2. Ички аудит хизмати Жамият Ижро этувчи органининг, ваколатхоналари ва филиалларининг ишини назорат қилиш ва баҳолашни текширишлар ва уларнинг Қонунчиликка, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя қилишини мониторинг қилиш, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилишини таъминлаш, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг қоидалари ва тартибига, шунингдек Қонунчилик билан белгиланган Жамиятни бошқариш бўйича талабларига риоя қилиш орқали амалга оширади.
- 17.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Қонунчилик ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

18-МОДДА

ЖАМИЯТ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

- 18.1. Жамият Қонунчилик билан белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоботини юритиши ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиши шарт.
- 18.2. Бош директор Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ҳаққонийлиги, ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларда тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлари учун жавобгар бўлади.
Акциядорларнинг Умумий йиғилишига тақдим этиладиган ва Жамиятнинг молиявий ҳисобларда, бухгалтерия балансида, фойда ва зарарлар ҳисобида бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлиги Жамият ёки унинг Акциядорлари билан мулкый манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.
- 18.3. Жамият Қонунчилик билан белгиланган тартибда ва Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини аудит қилиш ва аудиторлик ҳисоботини тақдим этиш учун мустақил аудиторлик компаниясини жалб этиши шарт. Аудиторлик ташкилоти камида бир йилда бир марта Жамият ҳисобига Жамиятнинг бухгалтерия китоблари ва ҳисоб ёзувларининг текширувини амалга оширади. Аудиторлик ташкилоти аудит натижаларига кўра Қонунчиликка мувофиқ хулосани тақдим этади. Аудиторлик ташкилоти кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг молиявий ҳисоблари, Жамиятнинг молиявий ҳолати барча даражада жиддий тарзда тақдим этилганини ва ЎЗНСБУ ва ХМХСга риоя этилиши ишончлиги тўғрисида фикр билдириши шарт.
- 18.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиш санасигача камида 10 (ўн) кун олдин Жамият Кузатув кенгаши томонидан дастлабки маъқулланиши керак. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини ўтказиш учун белгиланган муддатидан кеч бўлмаган муддатда АУЙ томонидан тасдиқланади.

19-МОДДА

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

- 19.1. Жамият ўз АУЙ қарори бўйича қўшиб олиш, қўшиш, ажратиб чиқариш, бўлиш ва қайта тузиш шаклида қайта ташкил этилиши мумкин. Жамиятни қайта ташкил этиш Қонунчиликда белгиланган.
- 19.2. Жамиятни тугатиш Қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.
- 19.3. Жамият қуйидаги ҳолатларда тугатилиши мумкин:
- акциядорларнинг Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
 - Ўзбекистон Республикаси судининг қарорига мувофиқ; ёки
 - Қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.
- Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа Шахсларга ўтмаган ҳолда, Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

20-МОДДА

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар Қонунчилик билан тартибга солинади.